

Халқ сўзи

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2022 йил 16 июнь, № 125 (8187)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



КАСБ-ҲУНАР ЎРГАНИШ УЧУН ШАРОИТЛАР КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 15 июнь куни аҳолини касб-ҳунарга тайёрлаш ва мономарказлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимизда sanoat, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш, қурилиш каби кўплаб соҳалар ривожланиб, янги-янги корхоналар очилмоқда. Уларни малакали ишчи ва мутахассислар билан таъминлаш мақсадида олий ва ўрта махсус таълим йўналишлари ўзгартирилмоқда. Худудларда "Ишга марҳамат" мономарказлари ташкил этилиб, ёшларга касб ўргатилмоқда.

Тараққиёт стратегиясида бу борада навбатдаги қадамлар — ҳар бир фуқарога касб-ҳунарга ўқиш имкониятини яратиш, камбағалликни 2 бараварга қисқартириш мақсадлари белгиланган.

Бунинг учун барча асослар бор. Масалан, биргина 2022 йилнинг ўзида жами 16 миллиард долларлик 9 мингдан зиёд йирик ва ўрта лойиҳалар амалга оширилмоқда. Уларга 300 мингга яқин малакали ишчилар керак.

Шу билан бирга, бу йил 404 минг ёшлар ўрта таълимни, 151 минг нафари профессионал таълимни битириб, меҳнат бозорига кириб келади. Уларни тўғри йўналтириб, бандлигини таъминлаш — долзарб вазифа.

Лекин, очигини айтганда, 330 та касб-ҳунар мактаби, 173 та коллеж ва 207 та техникум кўтилган натижани бермаяпти. Улардаги имкониятнинг атиги 40 — 50 фоиздан фойдаланилмоқда холос. "Ишга марҳамат" мономарказлари, бор-

йўли, 10 фоиз ишсизларни қамраб олган.

Кўп коллеж ва техникумлардаги ўқув дастурлари замон талабига мос эмас, 1 минг 350 номдаги касбий дарслик ва адабиётлар етишмайди. Оқибатда иш берувчилар ходимларни қайтадан ўқитишга мажбур бўлмоқда.

Шу боис йиғилишда касб-ҳунар таълимини замон талабларига мослаштириш бўйича янги тизим жорий қилиниши белгиланди.

Яъни 45 та коллеж Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимига ўтказилиб, уларнинг ўрнида мономарказлар ташкил этилади. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги касб-ҳунар мактаблари ва техникумларни бошқариш ва методик таъминлашга масъул бўлади.

Ҳар бир вилоят, туман ва шаҳарда Касб-ҳунар таълими кенгашлари ташкил этилади ва уларга ҳокимлар раҳбарлик қилади. Кенгаш таркибига давлат идоралари, банк, ректорлар, Савдо-саноат палатаси ҳамда туман иқтисодиётидан келиб чиқиб, sanoat, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва сервис корхоналари раҳбарлари қиради. Улар мутахассисларга бўлган эҳтиёж асосида, мономарказ ва коллежларда ўқитиладиган касбларни белгилайди, ёшларни ишлаб чиқариш корхоналарига бириктириб, амалиёт ўтатиши ташкил этади.

Йиғилишда соҳадаги ижобий таж-

рибалар ҳам кўрсатиб ўтилди. Масалан, 57 та профессионал таълим муассасасида Германия тажрибаси асосида, иш жойида ўқитишнинг дуал таълим шакли йўлга қўйилган. Мактабгача таълим тизимида бу ўз натижасини бермоқда: педагогика коллежи ўқувчилари 2 кун назарий билимлар олиб, қолган кунлари боғчаларда ишлаб, ойлик олмақда.

Еки яна бир мисол: Сирдарё вилояти Ширин шаҳридаги энергетика коллежида Саудия Арабистонининг "ACWA Power" компанияси буюртмаси асосида ёшларни мўқобил энергия станцияси техникни, оператори ва диспетчери каби касбларга тайёрлаш бошланган. Бунинг учун компания 2 миллион 800 минг долларга коллежда замонавий ус-тахона, лаборатория ва ётоқхона барпо қилган.

Давлатимиз раҳбари бундай ишларни бошқа тармоқларда ҳам йўлга қўйиш, касбий таълим муассасаларини йирик sanoat корхоналари ва кластерларга бириктириш бўйича тавсиялар берди.

Тахлилларга кўра, бугунги кунда олий таълим тизимида ўқитиладиган айрим мутахассисликларни техникумларга ўтказиш мумкин. Бу ёшларнинг ҳам вақтини, ҳам нақднинг тежайди.

— **Техникумларга бўлган ёндашувларни ўзгартириш керак. Улар "институтга киришнинг осон**

йўли" эмас, мураккаб касб берадиган, меҳнат бозорини рақобат қиладиган тизим бўлиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Келгуси йил 1 январдан бошлаб илмий даражаси бор техникум ўқитувчиларининг иш ҳақини олий-гоҳлардагига тенглаштириш, янги ўқув йилидан техникум ва коллеж ўқувчилари учун ҳам имтиёзли таълим кредитини жорий этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, техникумларга қабулнинг бир йилда 2 марта ташкил этиш бошланади. Бу орқали касбий таълим билан қамраб олиш 35 фоизга ошади.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги янги ташкил этиладиган мономарказларда замонавий касблар ва хорижий тилларни ўқитиш, Туркия, Жанубий Корея, Германия, Ҳиндистон ва Япониядан мутахассислар жалб қилиш бўйича топшириқ берилди.

Йиғилишда касбий таълим муассасаларида ишлаётган ўқитувчи ва усталарни рағбатлантириш масаласига ҳам эътибор қаратилди.

Келгуси йил 1 январдан уларнинг ойлиги мактаб ўқитувчиларининг маошига тенглаштирилиши айтилди. Ўқитувчилар малака тоифаси учун тўланадиган устама ўрта-сидига фарқ 2 баробарга оширилади. Эришган натижасига қараб, фидойи ва ташаббускор мураббий-

ларнинг ойлигига 50 фоизгача устама тўлаш жорий этилади. Келгуси йилда бунинг учун бюджетдан қўшимча 150 миллиард сўм ажратилади.

Шу билан бирга, профессионал таълим муассасалари педагоглари малакасини оширишнинг янги тизими яратилади. Университетлар ҳузуридаги малака ошириш факультетлари ўрнига ҳар бир вилоятда Профессорлар тайёрларлик марказлари ташкил этилади. Бу марказлар иш берувчиларнинг эҳтиёжини ўрганиб, хорижий тажриба асосида педагоглар малакасини оширади.

Аҳолини касб-ҳунарга ўқитишда хусусий сектор улушини кўпайтириш учун ҳам бир қатор имтиёзлар белгиланди. Унга кўра, энди лицензия олиш учун талаблар энгиллаштирилиб, зарур маблағнинг минимал миқдори 2 бараварга камайирилади. Бўш бинолар узоқ муддатга ижарага берилади. Хориждан келтириладиган қўлланма ва ус-қуналар божхона тўловларидан озод қилинади. Халқаро малака сертификатини олган ҳар бир битирувчи учун 1 миллион сўмдан тўланади. Эҳтиёжманд ёшлар тўлов-контракти маблағининг 30 фоизи қўллаб берилади.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан вазирлар, ҳокимлар, касб-ҳунар мактаби ва мономарказлар раҳбарлари сўзга чиқиб, ўз тақлифларини билдирди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ДАВЛАТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Шундай тартиб жорий этилсинки, унга кўра:
а) **2022/2023 ўқув йилидан бошлаб:** давлат олий таълим муассасаларида уларнинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврият таълим йўналишлари бўйича **масофавий таълим шакли жорий этилади;**

ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг **давлат буюртмаси параметрлари** тасарруфидан ушбу таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларнинг тақлифи асосида Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда **Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланади;**

давлат олий таълим муассасалари магистратурасига қабул абитурентнинг бакалаврият дипломи бали ўртача кўрсаткичи ҳамда хорижий тилини билиш даражаси бўйича тегишли миллий ёки халқаро сертификат бали асосида, баллар кетма-кетлигига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилади ҳамда қўшимча имтиҳон ўтказилмайди;

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Й И Ш И

2022/2023 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ДАВЛАТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШНИНГ ДАВЛАТ БУЮРТМАСИ ПАРАМЕТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ёшларни олий таълим билан янада кенгроқ қамраб олиш, олий таълим ташкилотлари ўртасида соғлом рақобатни кучайтириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 июндаги "Давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш жараёنларини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-279-сон қарорига мувофиқ:

1. **2022/2023 ўқув йили** учун давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари:

а) **бакалаврлар** тайёрлаш бўйича: **кундузги** таълим шаклига — **77 477 нафар** этиб 1-иловага мувофиқ;

сиртки таълим шаклига — **26 095 нафар** этиб 1а-иловага мувофиқ;

кечки таълим шаклига — **3 725 нафар** этиб 16-иловага мувофиқ;

масофавий таълим шаклига — **3 410 нафар** этиб 1в-иловага мувофиқ;

б) **магистрлар** тайёрлаш бўйича — **10 688 нафар** этиб 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасаларининг кузатув кенгашларига ҳамда қабул параметрларини Вазирлик кенгаши қарори билан тасдиқлаш ваколати берилган олий таълим ташкилотларига тегишли қабул параметрларини **2022 йил 20 июнга қадар** тасдиқлаш тавсия этилсин.

3. Давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссияси **беш кун муддатда 2022/2023 ўқув йили** учун: соғлиқни сақлаш, халқ таълими, ветеринария, тиббий-ижтимоий хизматлар соҳаларида олий маълумотли кадрларга эҳтиёж юқори бўлган ҳудудлар учун давлат буюртмаси параметрларининг давлат гранти асосида қабул кўрсаткичлари доирасида манфаатдор вазирлик ва идораларнинг буюртмаларига мувофиқ **мақсадли қабул параметрларининг туман (шаҳар)лар кесимидаги тақсимотини;**

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тизимида олий таълим муассасаси бўлган вазирлик ва идораларнинг тақлифлари асосида давлат буюртмаси параметрларининг **таълим тиллари бўйича тақсимотини** тасдиқласин ва эълон қилсин.

4. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги **бир ой муддатда:**

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқарттириш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда 2022/2023 ўқув йилида янги киритиладиган бакалаврият таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликлари бўйича Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларни классификаторига белгиланган тартибда ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин;

давлат олий таълим муассасаларида янги киритиладиган бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари, ўқув режалари ҳамда фан дастурларининг ишлаб чиқиши ва белгиланган тартибда тасдиқланганини таъминласин.

5. Маъруз фармойишининг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2022 йил 15 июнь

Мулоқот

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА МАРКАЗИДА




Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Равшанбек Алимовнинг Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенешининг Халқаро ишлар, мудофаа, хавфсизлик ва миграция масалалари қўмитаси раиси Чингиз Аидарбеков билан учрашуви бўлиб ўтди.

Қирғизистон томони ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг Бишкек ва Тошкентдаги дипломатик миссиялари раҳбарлари ҳам иштирок этди.

Видеоконференцалоқа шаклида бўлиб ўтган мулоқотда ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолати, истиқболлари, ҳар икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамкорлик йўналишлари атрофида муҳокама қилинди.

Парламентлараро ҳамкорлиқни, шу жумладан, халқаро ташкилотлар доирасидаги алоқаларни ҳамда парламентлар қўмиталари ўртасидаги муносабатларни фаоллаштириш бўйича қўшма чора-тадбирлар юзасидан фикр алмашилди.

КОНСТРУКТИВ АЛОҚАЛАР ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари А. Саидов мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотини (ЕХХТ)нинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИХБ) делегациясини қабул қилди.

Сўхбат аввалида томонлар сўнгги йилларда Ўзбекистон билан ЕХХТнинг барча институтлари, шу жумладан, ДИИХБ билан конструктив ўзаро алоқаларни сезиларли даражада фаоллашганини қайд этдилар. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда ДИИХБ ўртасидаги ҳамкорлиқнинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Учрашувда делегация раҳбари Оуэн Мерфи Олий Мажлис Қонунчилик палатаси билан ДИИХБ ўртасидаги ҳамкорлиқнинг бугунги ҳолатини, хусусан, қабул қилинаётган қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш, қонунчиликни халқаро стандартларга мувофиқ янада

такомиллаштириш каби йўналишлардаги алоқаларни юқори баҳолади. Шунингдек, 2021 йил 24 октябрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш бўйича ДИИХБ миссиясининг Яқунчи хисоботида берилган тавсияларнинг ижроси юзасидан фикр алмашилди.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 15 июнь куни аҳолини касб-ҳунарга тайёрлаш ва мономарказлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Ёшлар камолоти ва жамиятда ўз ўрнини топишида долзарб масалалар муҳокама этилган йиғилишда соҳадаги ижобий тажрибалар ҳам кўрсатиб ўтилди. Масалан, 57 та профессионал таълим муассасасида Германия тажрибаси асосида иш жойида ўқитишнинг дуал таълим шакли йўлга қўйилган. Мактабгача таълим тизимида бу ўз натижасини бермоқда: педагогика коллежи ўқувчилари 2 кун назарий билимлар олиб, қолган кунлари боғчаларда ишлаб, ойлик олмақда.

Ҳўш, дуал таълим нима? Унинг ёшларни касб-ҳунарга ўқитиш ва аҳоли бандлигини таъминлашда аҳамияти қандай?

Тахлил
Дуал таълим тизими ишлаб чиқариш тармоқларини юқори кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга ишчи кадрлар билан тўлдиришда ўзига хос ноёб механизмдир. Ички ва ташқи меҳнат бозорини рақобатбардош кадрлар билан таъминлашда гоят самарали ушбу тизимни мамлакатимизда қўллашда дастлаб унинг ҳуқуқий асослари яратилди.

4



4

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Қўриқлаш фаолияти тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

идоравий қоровуллик – давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, тадбиркорлик субъектларининг ўз объектларини қўриқлаш учун юридик шахс ташкил этмасдан тузиладиган таркибий бўлинмаси томонидан ёки зиммасига тегишли вазифаларни бажариш юклатилган алоҳида ходими томонидан амалга ошириладиган қўриқлаш фаолиятининг тури;

идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш – давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг ўз объектларини қўриқлаш бўйича махус вазифаларни бажариш учун юридик шахс ташкил этмасдан тузиладиган, хизмат фаолияти қоровуллик хизматини ташкил этиш ва ўташ тартиби талабларига мувофиқ ташкил этиладиган таркибий бўлинмаси томонидан амалга ошириладиган қўриқлаш фаолиятининг тури;

идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчиси ва хизматчиси – идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг қўриқлаш фаолиятини бошқариш, назорат қилиш ва амалга ошириш вазифалари ўз зиммасига юклатилган ишчиси ва хизматчиси;

назорат-ўтказиш режими – қўриқланадиган объектларга (қўриқланадиган объектлардан) шахсларнинг киришини (чиқишини), транспорт воситаларининг кириб келишини (чиқиб кетишини), мол-мулк олиб кирилишини (олиб чиқилишини), ташиб кирилишини (ташиб чиқилишини) назорат қилиш тартибини таъминловчи қондалар мажмуи;

объектнинг ички режими – қўриқланадиган объектда белгиланган ички тартиб қондаларига ва ёнгин хавфсизлиги талабларига рияоз этилишини таъминловчи тадбирлар мажмуи;

қўриқланадиган объект – белгиланган тартибда қўриқлашга олинган жисмоний ва юридик шахсларнинг бинаolari, иморатлари, иншоотлари, уларнинг худудлари, жойинг участкалари, транспорт воситалари, транспортда ташилдиган юклари, пул наблаглари, моддий бойликлари ва бошқа мол-мулки, шунингдек жисмоний шахс;

қўриқлашнинг муҳандислик воситалари – қўриқланадиган объектларни тажовузулардан механик жиҳатдан ҳимоя қилиш учун қўлланиладиган қўрилмалар ва иншоотлар;
қўриқлашнинг техник воситалари – қўриқланадиган объектларни тажовузулардан ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган, муस्ताқил вазифаларни бажарадиган, конструктив жиҳатдан аюқланган қўрилмалар;

қўриқлаш фаолияти – қўриқланадиган объектларни ҳимоя қилиш, шунингдек юридик шахсларнинг қўриқланадиган объектларида назорат-ўтказиш ва объектнинг ички режимларини таъминлаш бўйича фаолият.

4-модда. Қўриқлаш фаолиятининг асосий вазифалари

Қўриқлаш фаолиятининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: жисмоний шахсларнинг ҳаётини ва соғлигини тажовузулардан ҳимоя қилиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкни ҳамда объектларини тажовузулардан ҳимоя қилиш;
қўриқланадиган объектлар худудида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга чек қўйиш;
юридик шахсларнинг қўриқланадиган объектларида назорат-ўтказиш ва объектнинг ички режимларини таъминлаш.

5-модда. Қўриқлаш фаолиятининг асосий принциплари

Қўриқлаш фаолиятининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат: қонунийлик;
қўриқланадиган объектнинг даҳлсизлиги;
жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш.

6-модда. Ўта муҳим ва тоифаланган объектларни, шунингдек махус юкларни қўриқлаш

Ўта муҳим ва тоифаланган объектлар рўйхати, мазкур объектларни қўриқлаш турлари, қўриқлашнинг муҳандислик ва техник воситалари билан жиҳозлашга доир талаблар, шунингдек махус юкларни транспортда ташиш жараёнида уларни қўриқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

2-бoб. Қўриқлаш фаолияти соҳасини давлат томонидан тартибга солиш

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қўриқлаш фаолияти соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси томонидан қўриқлашнинг лозим бўлган объектлар рўйхатини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикасининг ўта муҳим ва тоифаланган объектларида қўриқлашнинг техник воситаларини лойиҳалаш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича ишларни бажариш учун рухсатнома бериш тартибини белгилайди;

қўриқлашнинг техник воситаларини монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича хизматлар (бундан буён матнда қўриқлаш-техник хизматлар деб юритилади) кўрсатиш фаолиятини бошлаганлик ёки тугатганлик ҳақида хабардор қилиш тартибини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси томонидан қўриқлаш-техник хизматлар кўрсатиш бўйича фаолият устидан назоратни амалга ошириш тартибини белгилайди, бундан яққа тартибда фойдаланиладиган қўриқлашнинг техник воситалари (автотранспорт воситаларини олиб қочишга қарши қўриқлашнинг техник воситалари ва бошқалар) устидан назорат қилиш мустано;

хизмат қуролидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш, идоравий қоровулликни ташкил этиш ҳуқуқига эга бўлган давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг рўйхатини, шунингдек идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш тўғрисидаги намунавий низомини тасдиқлайди;

идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ишчиларининг ва хизматчиларининг касбий тайёргарлигини амалга ошириш тартибини белгилайди;

идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари томонидан шахсий қўриқдан ўтказишни, ашёларни, кўл юкни, бағажни, транспорт воситаларини кўздан кеңиришни амалга ошириш қондаларини белгилайди;

идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмалари ишчиларининг ва хизматчиларини бажаришига тўсиқлик қиладиган касалликлар ва жисмоний нуқсонлар рўйхатини тасдиқлайди;

идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари томонидан қўлланиладиган хизмат қуролининг ҳамда унинг ўқ-дориларининг турлари, хиллари, моделларини, таъминот нормаларини, шунингдек идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчиларига ва хизматчиларига фойдаланиш учун рухсат этилган махус воситалар рўйхатини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб хавфли юкларни ташиш жараёнида уларни қўриқлаш қондаларини тасдиқлайди;
идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларида хизмат қуролининг ва унинг ўқ-дориларининг муомалада бўлиши тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг қўриқлаш фаолияти соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси:
қўриқлаш фаолияти соҳасидаги давлат сўбясатини амалга оширади;
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси томонидан кўрсатиладиган қўриқлаш хизматлари учун тарифларни тасдиқлайди;
давлат объектларини, ўта муҳим, тоифаланган объектларни ҳамда бошқа объектларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкни, шунингдек хорижий давлатлар ҳамда халқаро ташкилотларнинг дипломатик, консуллик ва бошқа ваколатхоналарини қўриқлашни амалга оширади;
қўриқлаш воситалари ва тизимларини қўллаш соҳасида ягона

техник сўёсат юритилишини, улардан фойдаланиш устидан самарали назоратни, шунингдек қўриқлаш фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кеңг микёсда жорий этилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмалари ишчилари ва хизматчиларининг формали кийим-боши ва фарқловчи белглари намуналарини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси томонидан қўриқлаш хизматларини кўрсатиш бўйича шартномаларнинг намунавий шаклини тасдиқлайди;

саф бўлинмалари, идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш, идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмалари томонидан қўриқлашнинг техник воситаларидан фойдаланган ҳолда қўриқлаш хизматларини, шунингдек қўриқлаш-техник хизматларни кўрсатади;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Қўриқлаш бош бошқармасига қўриқлаш учун топширилган объектларни қўриқлашнинг муҳандислик ва техник воситалари билан жиҳозлаш талабларини, тартибини ҳамда шартларини белгилайди;

Ўзбекистон Республикасининг ўта муҳим ва тоифаланган объектларида қўриқлаш-техник хизматлар кўрсатиш бўйича ишларни бажариш учун рухсатномалар беради;

қўриқлаш-техник хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятни бошлаганлик ёки тугатганлик тўғрисида хабардор қилиш тартибига рияоз этилишини назорат қилад;

қўриқланадиган объектлар худудида жамоат тартибини сақлайди, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олади ва уларга чек қўяди;

ўзгалар мол-мулкни талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятларнинг олдини олиш бўйича профилактика тадбирларини амалга оширади;

идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмалари ишчиларининг ва хизматчиларининг хизмат-жановар, иктимойи-ҳуқуқий, ахлоқий-руҳий ҳамда жисмоний тайёргарлигини амалга ошириш тартибини белгилайди;

идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмалари нарядлари томонидан хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги тавсияларни ишлаб чиқади;

идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмалари ишчиларининг ва хизматчиларининг бошланғич тайёргарлигини ҳамда уларнинг малакаси оширилишини шартнома асосида таъминлайди;

идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг фаолияти ташкил этилишини назорат қиладди, шунингдек давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг ушбу бўлинмалар томонидан қўриқланадиган объектларида қўриқлаш, назорат-ўтказиш режими, қўриқлашнинг муҳандислик ва техник воситалари билан жиҳозланганлик ҳолатини текширади (икки йилда бир марта);

идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари шахсий таркибининг энг кўп сонини белгилайди;

қўриқлаш фаолияти соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳўжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

қўриқлаш фаолияти соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

3-бoб. Қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектлар, уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

9-модда. Қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектлар

Қуйидагилар қўриқлаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга:

давлат органларининг қўриқлаш бўлинмалари;
идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари;
идоравий қоровуллик бўлинмалари.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўриқлаш фаолиятини чет давлатларнинг жисмоний шахслари ва ташкилотлари, шу жумладан хусусий ташкилотлари томонидан амалга оширишга йўл қўйилмайди, бундан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қисқа мuddати ташриф билан келган олий даражали меҳмонлар хавфсизлигини таъминлаш ҳоллари мустано.

10-модда. Давлат органларининг қўриқлаш бўлинмалари

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг, Ички ишлар вазирлигининг, Давлат хавфсизлик хизматининг, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг, Давлат боғжона кўмитасининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Куролли Кўчлари таркибига кирувчи ҳарбий тузилмаларинг тегишли бўлинмалари давлат органларининг қўриқлаш бўлинмалариدير.

Давлат органларининг қўриқлаш бўлинмалари жамоат тартибини сақлаш ва фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш учун белгиланган тартибда жалб қилиниши мумкин.

11-модда. Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари

Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари нарядлари томонидан хизматнинг ўталишини ташкил этиш ва хизматнинг ўталиши тартиби Ўзбекистон Республикаси Куроли Кўчларининг Гарнизон ва қоровуллик хизматлари устави асосида ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси билан келишилган, ўз тасарруфида идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари бўлган давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотлар тасдиқлаган қондаларга мувофиқ белгиланади.

Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари ўз хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида давлат ҳамда ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси билан келишувга кўра ишлаб чиқилган ҳамда тасдиқланган, тегишли фарқловчи белгилари бўлган формали кийим-бош кийиб ўриш ҳуқуқига эга.

Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмаларининг ишчиларига ва хизматчиларига белгиланган тартибда хизмат гувоҳномалари бериладди.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари қонунчиликда идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмаларининг ишчилари ҳамда хизматчилари учун белгиланган ҳуқуқларга эга бўлади ва мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

12-модда. Идоравий қоровуллик бўлинмалари ва идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмалари

Идоравий қоровуллик бўлинмаларининг фаолиятини ташкил этиш ҳамда уларнинг хизматни ўташи тартиби давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ва бошқа ташкилотларнинг идоравий ҳўжатларида белгиланади.

Идоравий қоровуллик бўлинмалари нарядларининг иш вақти ва сменаси давомийлиги Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ белгиланади.

Идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари тегишли идоралар томонидан белгиланган тартибда жорий этилган махус формали кийим-бошга, фарқловчи белгиларга эга бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари қонунчиликда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ҳамда хизматчилари учун белгиланган ҳуқуқларга эга бўлади ва мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

13-модда. Қўриқлаш фаолиятини шартнома асосида амалга оширувчи субъектлар

Қуйидагилар шартнома асосида қўриқлаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга:

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси томонидан қўриқлашнинг лозим бўлган объектларда, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг муրожатлари бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан мажбурий қўриқлашни лозим бўлган ўта муҳим ва тоифаланган объектларда, шунингдек транспортда ташиладиган махус юкларни қўриқлаш бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги – қонунчиликда белгиланадиган транспортда ташиладиган юкларни ва бошқа объектларни қўриқлаш бўйича.

14-модда. Қўриқлаш фаолиятини шартнома тузмасдан амалга оширувчи субъектлар

Қуйидагилар қўриқлаш фаолиятини қонунчиликда берилган ваколатлар доирасида шартнома тузмасдан амалга ошириш ҳуқуқига эга:

давлат органларининг қўриқлаш бўлинмалари;
идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари;
идоравий қоровуллик бўлинмалари.

15-модда. Қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектларнинг ҳуқуқлари

Қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектлар ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

қўриқлаш фаолиятини амалга оширишда фуқароларнинг ҳаётига ва соғлигига, атроф-муҳитга зарар етказмайдиган замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиши;
қўриқланадиган объект худудида жисмоний ва юридик шахслардан қонунчиликка рияоз этишни, қонунга хилоф ҳатти-ҳаракатларни тўхтатишни талаб қилиши;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан ҳамда бошқа ташкилотлардан қўриқлаш фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни бепул олиш, бундан қонунчиликда бошқа заррб назарда тутилган ҳоллар мустано;

радиоалокани амалга ошириш учун радиочастотадан (радиотўлқиндан) белгиланган тартибда фойдаланиши;
буортмачидан қўриқлаш фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳўжатларни, ахборотни олиш;

қўриқланадиган объектни кўздан кеңириш.

Қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектлар қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

16-модда. Қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектларнинг мажбуриятлари

Қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектлар қўриқланадиган объектлардаги хизматни ташкил этиш ва ўташ чоғида:
қўриқланадиган объектларнинг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашни;

қўриқланадиган объектларнинг барқарор фаолият кўрсатишини издан чиқаришга қаратилган қонунга хилоф ҳаракатларнинг олдини олиши ва ташиладиган юкларнинг бут сақланишини таъминлаши;
қўриқланадиган объектларда табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф қилишда иштирок этиши;

қўриқланадиган объектта қонунга хилоф равишда кирган шахсларни қидириш ва ушлашда иштирок этиши;

назорат-ўтказиш режимида ташкил этиши ва қўриқланадиган объект худудида объектнинг ички режимида рияоз этилишини назорат қилиши;
қўриқлаш фаолиятига замонавий техник воситалар ва тизимларни жорий этиши ҳамда улардан самарали фойдаланиши;
қўриқланадиган объектлар худудида жамоат тартибини сақлаши, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиши ва уларга чек қўйиши;
қўриқлаш фаолиятини амалга ошириш чоғида ўзига маълум бўлиб қолган давлат сирларини ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ошорқ қилмаслиги шарт.

Қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектларнинг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

17-модда. Қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектларнинг жавобгарлиги

Қўриқлаш хизматларини кўрсатишга доир шартномага мувофиқ қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектлар ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида қўриқланадиган объектта етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ ҳажмида қоплаши шарт.

Зарарнинг ўрнини қоплаш микдори ва шартлари қўриқлаш хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги икки томонлама шартномада белгиланади.

Қўриқлаш фаолиятини шартнома тузмасдан амалга оширувчи субъектларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида қўриқланадиган объектта етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ ҳажмида тақдирда жавобгарлик қонунчиликка мувофиқ белгиланади.

4-бoб. Қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектлар ҳарбий хизматчиларининг, ходимларининг, ишчилари ҳамда хизматчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

18-модда. Қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектлар ҳарбий хизматчиларининг, ходимларининг, ишчилари ва хизматчиларининг ҳуқуқлари

Қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектларнинг ҳарбий хизматчилари, ходимлари, ишчилари ва хизматчилари хизматни ўтаётганда қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

жисмоний ва юридик шахслардан белгиланган назорат-ўтказиш ва объектнинг ички режимларига, шунингдек жамоат тартибига рияоз этилишини талаб қилиш;

қўриқланадиган объект худудидан мол-мулкни қонунга хилоф равишда олиб чиқишга ёки қўриқланадиган объектта таққиланган предметларни олиб қиришга уриниш чоғида шахсларни ушлаш;

қўриқланадиган объектлардаги мол-мулкни сақлаш шароитларини, қўриқлашнинг муҳандислик ва техник воситалари ҳолатини ҳамда соэлигини текшириш, аниқланган қоидабузарликларнинг, камчиликларнинг бартараф этилишини талаб қилиш;

қўриқланадиган объектта қонунга хилоф равишда кирган ёки қўриқланадиган объектда ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг шахсини аниқлаш, уларни ушлаш ҳамда қўриқлаш хизмати хонасига етказиш (бундай ваколатларни мавжуд бўлмаганда ҳуқу

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Қўриқлаш фаолияти тўғрисида

◄(Давоми. Бошланчи 1, 2-бетларда).

Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари махсус тайёргарликдан, шунингдек жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ҳамда хизмат қуролини қўллаш билан боғлиқ шароитлардаги ҳаракатларга касбий яроқлилигини аниқлаш учун даврий текширувлардан ўтиши керак. Махсус тайёргарликдан ўтган ишчилар ва хизматчиларга белгиланган намунадаги сертификатлар берилади.

Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва хизмат қуролини қўллаш билан боғлиқ шароитлардаги ҳаракатларга касбий яроқлилигини аниқлаш учун текширувдан ўтмаган ишчилари ва хизматчилари жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ҳамда хизмат қуролини қўллаш билан боғлиқ бўлмаган бошқа лавозимга меҳнат шартномасига мувофиқ ўтказилади ёки улар билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинади.

Жисмоний куч ишлатишдан, махсус воситаларни ҳамда хизмат қуролини қўллашдан аввал уларни қўллаш нияти тўғрисида аниқ ифодаланган оғохлантириш бўлиши керак, бундан бундай оғохлантиришнинг имкони бўлмаган ёхуд уларнинг қўлланилишини кечиктириш фуқароларнинг, идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмалари ишчисининг ва хизматчисининг ҳаёти ҳамда соғлиги учун бевосита хавф тўғдирадиган ва бошқа оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган ҳоллар мустасно.

Жисмоний куч ишлатилиши, махсус воситаларнинг ёки хизмат қуролининг қўлланилиши юзага келган вазиятга, шахслар хатти-ҳаракатларининг хусусиятига ва хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак. Бунда идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари ҳар қандай зарарнинг имкон қадар кам бўлишига интилиши шарт.

Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари, агар юзага келган вазиятда махсус воситаларни ёки хизмат қуролини қўллаш учун мазкур моддада, ушбу Қонуннинг 25 ва 26-моддаларда назарда тутилган асослар юзага келиши мумкин деб ҳисобласа, махсус воситаларни ёки хизмат қуролини қўллаш учун тайёрлаш ҳамда уларни жанговар ҳолатга келтириш ҳуқуқига эга.

Жисмоний куч ишлатилганлиги, махсус воситалар ёки хизмат қуроли қўлланилганлиги натижасида тан жароҳати олган фуқароларга биринчи ёрдам кўрсатилиши ҳамда энг кискта муддатларда тиббий ёрдам қўрсатиш чоралари қўрилиши керак.

Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари жисмоний куч ишлатилган, махсус воситалар ҳамда хизмат қуроли қўлланилган ҳар бир ҳолат тўғрисида бевосита бошлигига дарҳол хабар бериши шарт.

Қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъект жисмоний куч ишлатилганлиги ва махсус воситалар қўлланилганлиги натижасида жисмоний ёки юридик шахсларнинг ҳаётига, соғлимига ёки мол-мулкига зарар етказилган ҳар бир ҳолат ҳақида, шунингдек хизмат қуроли қўлланилган барча ҳоллар тўғрисида прокурорга ва ички ишлар органларига дарҳол хабар беради.

Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмалари ишчилари ва хизматчиларининг жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ёки хизмат қуролини қўллаш чоғида ўз ваколатлари дорасидан чиққанилги қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Агар жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ёки хизмат қуролини қўллаш қонунчиликда белгиланган асослар бўйича ва тартибда амалга оширилган бўлса, идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари бундай жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ёки хизмат қуролини қўллаш чоғида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарар учун жавобгар бўлмайди.

Агар идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари томонидан жисмоний куч ишлатилганлиги, махсус воситалар ёки хизмат қуроли

қўлланилганлиги натижасида фуқарога тан жароҳати етказилса ёхуд у вафот этса, идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари ҳодиса жойини ўзғарисиз сақлашга қаратилган чораларни қўриши шарт.

24-модда. Жисмоний куч ишлатиш

Агар куч ишлатилмайдиган усуллар идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари зиммасига юклатилган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминламаса, улар қўйидаги ҳолларда шахсан ўзи ёки бўлинма (гурух) таркибида жисмоний куч ишлатиш, шу ҳумладан курашинг жанг усулларини қўллаш ҳуқуқига эга бўлади:

қўриқланадиган объекта тажовуларнинг олдини олишда ва унинг ҳудудидаги гафрқонуний хатти-ҳаракатларни тўхтатишда;

қўриқланадиган ҳудудда ҳуқуқбузарлик содир этган шахсн ушлаб туришда ва уни ҳуқуқни муҳофаза килувчи органларга топширишда;

қўриқлаш бўлинмасининг ҳарбий хизматчиси, ходими, ишчиси ва хизматчисининг қонуний талабларига қаршилик кўрсатилишини бартараф этишда.

Қўриқлаш бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари ушбу Қонунда махсус воситалар ёки хизмат қуроли қўлланилишига рухсат этилган ҳолларда ҳам жисмоний куч ишлатиш ҳуқуқига эга.

Ҳомилдорлик белгилари сезилиб турган аёлларга, ногиронлик белгилари қўриниб турган шахсларга, ёши аниқ қўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаганларга нисбатан махсус воситаларни қўллаш тақиқланади, бундан уларнинг қуроли қаршилик кўрсатганлиги ҳаётига ҳамда соғлимига ҳақиқатда таҳдид этиб, гуруҳ бўлиб ҳужум қилганлиги ҳоллари мустасно.

25-модда. Махсус воситаларни қўллаш

Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари қўйидаги ҳолларда махсус воситаларни қўллаш ҳуқуқига эга:

қўриқланадиган объекта қилинган ҳужумни қайтаришда;

идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчисига ва хизматчисига ёки қўриқланадиган объект ҳудудидаги фуқарога қилинган ҳужумни қайтаришда;

идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчисига ва хизматчисига кўрсатилбаётган қаршиликка бараҳм беришда;

қўриқланадиган объектада ҳуқуқбузарлик содир этиш чоғида қўриб қолинган шахсни ушлашда, агар ушбу шахс қуроли қаршилик қўрсатиши мумкин бўлса;

ушлаб турилган шахсларни олиб бориш ва қўриқлашда, шунингдек қришга уринишини, атрофдагиларга ёки ўзига зарар етказишини бартараф этиш мақсадида;

қўриқланадиган объектада ҳайдовчиси қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектнинг ҳарбий хизматчиси, ходими, ишчиси ва хизматчиси талабларини бажармаган транспорт воситасини тўхтатиш зарур бўлганда.

Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари қўйидаги махсус воситаларни қўллаш ҳуқуқига эга:

резина таёқлари — ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи ҳатбошиларида назарда тутилган ҳолларда;

қўлиқшанларни ёки бошқа боғлаш воситаларини — ушбу модда биринчи қисмининг учинчи — олтинчи ҳатбошиларида назарда тутилган ҳолларда;

хизмат (қўриқчи) итларини — ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи — олтинчи ҳатбошиларига назарда тутилган ҳолларда; транспорт воситаларини мажбурий тўхтатиш воситаларини — ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи ва еттинчи ҳатбошиларида назарда тутилган ҳолларда.

Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

ДАВЛАТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТўҒРИСИДА

◄(Давоми. Бошланчи 1-бетда).

б) давлат олий таълим муассасалари магистратурасига қабул бир йилда икки марта — август ва январь ойларида ташкил этилади. Бунда:

а) август ойидаги қабул — навбатдаги ўқув йили учун тасдиқланган давлат гранти ва тўлов-контракт асосидаги ҳамда молиявий мустақиллик берилган олий таълим муассасаларининг кузатув кенгашлари томонидан тасдиқланган тўлов-контракт асосидаги қабул параметрларига мувофиқ;

январь ойидаги қабул — дастлабки қабул натижаларига кўра тўлмаган ўринлар ҳамда Давлат комиссияси томонидан тасдиқланган қўшимча тўлов-контракт асосидаги қабул параметрларига мувофиқ амалга оширилади;

в) давлат олий таълим муассасалари магистратурасига қўшимча қабул параметрلари асосида ўқишга қабул қилинган абитуриентларнинг тўлов-контракт суммаси бир талабага тўри келадиган реал ҳарajatлардан келиб чиқиб, олий таълим муассасаси томонидан мустақил белгиланади;

г) табақалаштирилган тўлов-контракт микдори Давлат комиссияси томонидан белгиланган суммадан кам бўлмаган миқдорда олий таълим муассасалари томонидан мустақил белгиланади;

д) қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ олий таълим муассасаларига имтиҳонларсиз давлат гранти асосида ўқишга кириш бўйича имтиёзга эга бўлган шахслар умумий қабул параметрларидан ташқари қўшимча давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинади;

е) давлат олий таълим муассасаларига бўйсунуви бўйича вазиpлик ва идоралар билан келишилган ҳолда чет эл фуқаросини тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини тегишли таълим йўналиши ва мутахассислик учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларига нисбатан белгиланган базавий тўлов-контракт миқдоридан кам бўлмаган миқдорда белгилаш ҳуқуқи берилади. Бунда чет эл фуқароси олий таълим муассасаси томонидан ўтказиладиган сўбат натижасига кўра ўқишга қабул қилинади;

ж) **2023/2023 ўқув йилидан бошлаб:**

давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат бюpртмаси параметрлари **фақат давлат гранти** бўйича тасдиқланади;

давлат олий таълим муассасаларига (молиявий мустақиллик берилган олий таълим муассасалари бундан мустасно) **тўлов-контракт асосидаги қабул параметрлари** бўйсунуви бўйича тегишли вазиpлик (идора) томонидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқарттириш вазиpлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазиpлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади ҳамда **ҳар йили 20 июнга қадар Олий ва ўрта махсус таълим вазиpлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинади;**

олий таълим муассасалари бакалаврият таълим йўналишларига мос келувчи **имтиҳон фанлари мажмуаси** Олий ва ўрта махсус таълим вазиpлиги томонидан тасдиқланади ҳамда имтиҳон синовлари бошланишидан камида **6 ой олдин эълон қилинади.**

2. 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб республикада фаолият юpятаётган хорижий олий таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари ҳамда нодавлат олий таълим ташкилотларида (кейинги ўринларда — республикада фаолият юpятаётган хорижий ва нодавлат олий таълим ташкилотлари) **давлат гранти асосида кадрлар тайёрлаш бўйича 1 000 та ўрин ажратиш** борилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

Олий ва ўрта махсус таълим вазиpлиги давлат гранти асосида республикада фаолият юpятаётган хорижий ва нодавлат олий таълим ташкилотларида кадрлар тайёрлаш бўйича давлат бюpртмачиси ҳисобланади;

ҳар йили 1 июлга қадар мазкур давлат грантининг олий таълим ташкилотлари ва бакалаврият таълим йўналишлари бўйича тақсимоти Давлат комиссияси томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазиpлиги, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг тақлифлари асосида тасдиқланади ҳамда Олий ва

ўрта махсус таълим вазиpлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинади;

республикада фаолият юpятаётган хорижий ва нодавлат олий таълим ташкилотларига кириш имтиҳонлари яқунлашган **бир ой муддатда** баллар кетма-кетлигига риоя қилган ҳолда, энг юқори балл тўплаган ва давлат грантини олиш истagini билдирган талаба, тегишли олий таълим ташкилоти ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазиpлиги ўртасида у томонлама шартнома тузилади. Бунда талабанинг ишлаб бериш мажбурийи давомийлиги таълим йўналиши хусусиятини ҳисобга олган ҳолда давлат бюpртмачиси томонидан белгиланади.

3. Хотин-қизларнинг олий таълим билан қамровини ошириш орқали давлат ва жамиятгаги фаоллигини кўнайтириш, гендер тенгликни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ислохотларни янада жадаллаштириш мақсадида шундай тизим жорий этилсинки, унга кўра:

а) Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасининг тавсияномасини олган, олий маълумотга эга бўлмаган хотин-қизлар учун 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб бакалавриятнинг кўндүзи таълим шакли бўйича умумий белгиланган давлат гранти асосидаги қабул параметрларига қўшимча **2 000 та давлат гранти** ажратилиши. Бунда: тавсияномага эга бўлган хотин-қизлар учун давлат гранти асосида ажратиладиган қабул параметрларининг камида **50 фанзи аниқ ва табиий фанлар, техника ва тиббиёт** йўналишлари орасида тақсимланади;

ҳар йили 20 июлга қадар тавсияномага эга бўлган хотин-қизлар учун давлат гранти ўринларининг олий таълим муассасалари ва бакалаврият таълим йўналишлари бўйича тақсимоти Давлат комиссияси томонидан Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазиpлигининг тақлифлари асосида тасдиқланади ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазиpлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинади;

б) Давлат бюджетте маблағлари ҳисобидан қўйидагилар қопланади:

2021/2022 ўқув йилида давлат олий таълим муассасалари магистратурасига талабалikka қабул қилиниб, тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган **хотин-қизларнинг 2022/2023 ўқув йили учун тўлов-контракт микдори;**

2022/2023 ўқув йилидан бошлаб давлат олий таълим муассасалари магистратурасига ажратилган қабул параметрлари доирасида **базавий тўлов-контракт асосида талабалikka қабул қилинган хотин-қизларнинг тўлов-контракт микдори.**

Вазиpлар Маҳкамаси икки ой муддатда Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасининг тавсияномаси асосида хотин-қизларни бакалавриятга қабул қилиш ҳамда давлат олий таълим муассасаларининг магистратура босқичига тўлов-контракт асосида қабул қилинган хотин-қизларнинг тўлов-контракт суммасини Давлат бюджетте маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш тартибларини тасдиқласин.

4. Давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш жараёнини мувофиқлаштириш бўйича **давлат комиссияси** (матн бўйича — Давлат комиссияси) ташкил этилсин ва унинг таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат комиссиясига қўйидаги ваколатлар берилсин: зарурат бўлганда, олий таълим муассасаларининг моддий-техника базаси, профессор-ўқитувчилари таркиби ва ўқув-методиқ таъминотидадан келиб чиқиб, янги бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини киpитиш ҳамда ташкил этиладиган янги давлат олий таълим муассасалари қабул параметрларини белгилаш учун давлат бюpртмаси параметрларига ўзгарттириш ва қўшимчалар киpитиш; давлат олий таълим муассасаларининг бакалаврият ва магистратурасига тегишли тармоқлар ва ҳудудлар бўйича мақсадли қабул параметрларини белгилаш, шунингдек, давлат бюpртмаси параметрларининг таълим тилари бўйича тақсимотини тасдиқлаш; Олий ва ўрта махсус таълим вазиpлиги ҳамда тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазиpлик ва идораларнинг тақлифлари

бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари ушбу Қонунда хизмат қуролини ишлатишга рухсат этилган барча ҳолларда махсус воситаларни қўллаш ҳуқуқига эга.

Махсус воситалар, агар идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари томонидан ҳуқуқбузарга нисбатан оғохлантирувчи ҳаракатларнинг бошқа барча шаклларидан фойдаланилса ва улар қутлган натижаларни бермаса, қўлланилади.

Махсус воситаларнинг қўлланилиши учинчи шахсларнинг ҳаётига, соғлимига хавф тудирмаслиги ва мол-мулкига зарар етказмаслиги керак.

Ҳомилдорлик белгилари сезилиб турган аёлларга, ногиронлик белгилари қўриниб турган шахсларга ҳамда ёши аниқ қўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаганларга нисбатан махсус воситаларни қўллаш тақиқланади, бундан уларнинг қуроли қаршилик кўрсатганлиги ёки фуқароларнинг ёхуд идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмалари ишчиларининг ва хизматчиларининг ҳаётига ҳамда соғлимига ҳақиқатда таҳдид этиб, гуруҳ бўлиб ҳужум қилганлиги ҳоллари мустасно.

Одамнинг бошига, бўйнига, ўмров суягига, қорнига, жинсий аъзоларига, юрак соҳасига резина таёқ билан зарбалар бериш тақиқланади,бундан одам қуроли қаршилик кўрсатганлиги ёки фуқароларнинг ёхуд идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмалари ишчиларининг ва хизматчиларининг ҳаётига ҳамда соғлимига ҳақиқатда таҳдид этиб, гуруҳ бўлиб ҳужум қилганлиги ҳоллари мустасно.

26-модда. Хизмат қуролини қўллаш

Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари қўйидаги ҳолларда хизмат қуролини қўллаш ҳуқуқига эга бўлади:

қўриқланадиган шахсни ва қўриқланадиган объектада бўлган бошқа фуқароларни ҳужумдан ҳимоя қилишда, агар ҳужум ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиш билан қилинган бўлса;

қўриқланадиган объектларга қуроли ҳужумни ёки гуруҳ бўлиб қилинган ҳужумни қайтаришда;

идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмалари ишчиларининг ва хизматчиларининг ҳаётига ва соғлимига таҳдид соладиган ҳужумни қайтаришда, шунингдек хизмат қуролини эгаллаб олишга бўлган уринишларнинг олдини қайтаришда;

ўта оғир жиноятни содир этиш чоғида қўриб қолинган ва қўриқланадиган объект ҳудудидан яширинишга уринаётган шахсни ушлашда, агар бошқа воситалар билан бу шахсни ушлаш имкони бўлмаса;

қуроли қаршилик кўрсатаётган шахсни, шунингдек ўзидаги қуроли, ўқ-дориларни, портловчи моддаларни, портлатиш қуримларини, захарли ёки радиоактив моддаларни топшириш тўғрисидаги қонуний талабни бажаришни рад этаётган шахсни ушлашда;

агар ҳайдовчи қўриқланадиган объект ишчилари ва хизматчиларининг, қўриқланадиган шахснинг ҳаётига ҳамда соғлимига ҳақиқй хавф тудирса ва идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмалари ишчиси ва хизматчисининг қонуний талабларига қарамаздан тўхташни рад этса, ушбу транспорт воситасини унга шикаст етказиш йўли билан тўхтатишда;

инсоннинг ҳаётига ва соғлимига таҳдид солаётган ҳайвонни зарарсизлантиришда;

хизмат қуролини қўллаш нияти тўғрисида оғохлантириш сифатида ўқ отишда, юқорига қарата ёки бошқа хавфсиз йўналишда ўқ отиш орқали хавф-хатар сигнални беришда ёки ёрдамга қачиришда.

Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчиси ва хизматчиси хизмат қуролини қўллашдан олдин оғохлантириш шарт, бундан уларнинг ўз ҳаётига ёки фуқароларнинг ҳаётига бевосита хавф таҳдид солаётган ҳоллар мустасно.

Аёлларга, ногиронлик белгилари қўриниб турган шахсларга, ёши аниқ қўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаганларга нисбатан хизмат қуролини қўллаш тақиқланади, бундан уларнинг қуроли ҳужум

қилганлиги, қуроли қаршилик кўрсатганлиги ёки фуқароларнинг ёхуд идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмалари ишчиси ва хизматчисининг ҳаётига ва соғлимига таҳдид этиб, гуруҳ бўлиб ҳужум қилганлиги ҳоллари мустасно.

Агар хизмат қуроли қўлланилиши натижасида тасодифий шахслар жабрланиши мумкин бўлса, идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмаларининг ишчилари ва хизматчилари кўп фуқаролар тўпланганда уни қўллаш ҳуқуқига эга эмас, бундан террорчилик ҳаракатининг олдини олиш, гаровдагиларни озод қилиш, қуроли ҳужумни қайтариш ҳоллари мустасно.

27-модда. Қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектлар томонидан хизмат (қўриқчи) итларидан фойдаланилиши

Қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектлар ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун хизмат (қўриқчи) итларидан фойдаланиши мумкин. Хизмат (қўриқчи) итлари хизматда фойдаланишга яроқли деб топилган бўлиши ва уларнинг ветеринар паспорти бўлиши керак.

Қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектларнинг ҳарбий хизматчилари, ходимлари, ишчилари ва хизматчилари қўриқланадиган ҳудудни хизмат (қўриқчи) ити билан айланаб чиқishi вақтида хизмат (қўриқчи) ити тасмада ва тумшүқ боғда бўлиши керак. Жамоат жойларида ва одамлар гавҳум бўлган жойларда махсус тайёргарликдан ўтказилмаган хизмат (қўриқчи) итларидан фойдаланиш тақиқланади.

Одамлар бўлмаган вақтда ёпиқ ҳудудда хизмат (қўриқчи) итларидан қўриқлаш бўлинмаси ходимининг назорати остида тасмасиз фойдаланишга рухсат берилади.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

Олий Мажлис Сенатида

ИШЧИ ГУРУХ ЖАМОАТЧИЛИКНИ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ФАОЛ ҚАТНАШИШГА ЧАҚИРДИ

Кеча Олий Мажлис Сенатида хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш масалалари юзасидан тузилган ишчи гуруҳнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда сенаторлар, Вазирлар Маҳкамаси, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, тегишли вазирлик ва идоралар, нодавлат но-тижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари ишти-рок этди.

Тадбирда ишчи гуруҳ аъзолари томонидан ўтган йиғилишда белгилаб олин-ган вазифалар доирасида амалга оширилган ишлар, хотин-қизлар ва боғга ет-маганларга нисбатан содир этилаётган ноҳўя харак-тарнинг келиб чиқиш сабаб-лари ҳамда уларнинг олди-ни олиш бўйича қонунчи-ликни такомиллаштириш, шу

жумладан, жазо чораларини кучайтиришга доир тақлиф-лар ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Йиғилиш якунида ишчи гуруҳ томонидан соҳага оид қонунчилик ҳужжатларини та-комиллаштириш юзасидан қонун лойиҳасини ишлаб чи-қишга келишиб олинди.

Шу муносабат билан ишчи гуруҳ кенг жамоатчи-ликини, хусусан, фуқаролик жамияти институтлари ва-киллари, олимлар ва му-тахассисларни қонунчиликни такомиллаштириш жараёни-да ўз тақлифлари билан фаол қатнашишга чақирди.

«Халқ сўзи».

ТАНЛОВ ҲОЛИБЛАРИ ҚҮЙИ ПАЛАТА ФАОЛИЯТИ БИЛАН ТАНИШДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси раҳбарияти ва Ёшлар масалалари бўйича комиссия аъзоларининг "Ватанни севмоқ иймондандир" мавзусидаги иншоолар танлови республика босқичи иштирокчилари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Хусусан, Олий Мажлис Қонун-чилик палатаси Спикерининг би-ринчи ўринбосари Акмал Саидов билан бўлиб ўтган учрашув қиз-гин савол-жавобларга бой бўлди. Иштирокчилар мамлаки-тимиз парламенти фаолиятига оид кўплаб саволларига жавоб ол-дилар.

Таъкидланганидек, ўз келажа-гини мустақам пойдевор устига қуришни, жаҳонда ўз ўрнига, сўзи-га, ҳаёт тарзига эга бўлишни ис-таган халқ ҳаммаша фарзандлари-нинг маънавияти юксак, руҳи пок, эътиқоди бутун, иродаси бақувват бўлиши учун курашади. Ёшларни мафзуравий таҳдидлар, ёт гоя ва бузғунчи таъсирлардан ҳимоялаш-га қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади.

Шу маънода, талабаларни юр-тимизда амалга оширилаётган ис-лохотларни теран идрок этиш, уларда ижодий, танқидий, нотик-лик, молаславчанлик, ўз фикрини етказиб бера олиш кўникмалари-ни шакллантириш мақсадида таш-кил қилинган "Ватанни севмоқ ий-мондандир" мавзусидаги иншоолар танлови иқтидорли, интилувчан, ижодкор талаба-ёшларни аниқлаш

имконини бераётгани эътиборга молик.

Тадбирда Ўзбекистонда ёшлар-га оид давлат сиёсатини 2025 йил-гача ривожлантириш концепцияси, 2019 — 2023 йиллар даврида Ўзе-бекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ри-вожлантириш концепцияси, 2020 — 2025 йилларда китобхонлик мада-ниятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар, ёшларни қийнаётган муам-моларни бевосита давлат даража-сида кўриб чиқиш ва ҳал этиш им-кониятлари ҳақида қатнашилarga батафсил маълумотлар берилди. Бундан ташқари, қонун лойиҳа-ларини ишлаб чиқиш, уларни Қонун-чилик палатаси томонидан даст-лабки тарзда кўриш, япми мажлис муҳокамаларига тайёрлаш ва қонун лойиҳасини қабул қилиш жараён-лари хусусида сўзланди.

Тадбир иштирокчилари айни вақтда юртимизда қизгин кечаёт-ган конституциявий ислохотлар жа-раёни ҳақида ҳам кенг маълумот-ларга эга бўлди.

Таъкидланганидек, шу йилнинг 20 май куни Олий Мажлис пала-

талари Кенгашларнинг қўшма қарори билан Конституциявий ко-миссия тузилди ва ўз фаолиятини бошлади. Конституциявий комис-сия ўз ишини самарали олиб бо-риш мақсадида кенг жамоатчилик, фуқароларнинг фикр-муҳоазалари ва тақлифларини умумлаштиришга, қолаверса, жаҳон тажрибасини ўрганишга алоҳида эътибор қарат-моқда.

Бундан ташқари, Конституцияга ўзгартишлар киритиш бўйича жо-рий йилнинг 24 май кунидан бош-лаб "taklif@meningkonstitutsiyam.uz" ёки "taklif@2022.uz" электрон поч-талари орқали тақлифларни қабул қилиш ишлари бошланди, 26 май-дан эса электрон почтадан ташқа-ри, "www.meningkonstitutsiyam.uz" онлайн платформаси, "Telegram" махсус боти, "1341" қисқа рақам-ли "call-markaz" ишга туширилди. Шунингдек, ижтимоий тармоқлар-да бир нечта каналлар ташкил қилинди. Фуқаролар тақлифларини ўз ҳудудларидаги маҳаллалар ва халқ депутатлари маҳаллий Кен-гашига оғзаки ёки ёзма шаклда билдириши учун шароитлар яратилди.

Тадбир иштирокчилари Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлислар зали, кутубхонаси, пар-ламент музейи билан яқиндан танишди.

«Халқ сўзи».

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА МАРКАЗИДА



Учрашувда қонун ижодкор-лиги борасида ўзаро тажри-ба алмашув, олий даражадаги Ўзе-бекистон — Қирғизистон келишувлари амалда татбиқ этилиши устидан са-марали парламент назоратини йўлга қўйиш, икки мамлакат ҳудудлари ўзаро алоқаларини ривожлантириш-га ҳар томонлама кўмаклашиш, халқ дипломатияси механизмларини яна-да мустақамлаш бўйича қонун чи-

қарувчи органлар ўртасидаги муло-қотни кенгайтириш, дўстлик гуруҳла-ри доирасидаги шерикликни изчил давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Дўстона ва конструктив руҳда ўтган учрашув якунида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида тегиш-ли чора-тадбирларни амалга ошириш-га келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

КОНСТРУКТИВ АЛОҚАЛАР ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ



Ўз навбатида, О. Мерфи мезбон томонининг мазкур йўналишда очик мулоқотга ва ўзаро ҳамкорликка тайёрлигини ҳамда муҳо-камалар учун платформа яратиш бер-ганини алоҳида эътироф этди. Шу бил-ан бирга, мамлакатимизда Президент сайлови ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан ҳамда пандемия қоидаларига риоя қилган ҳолда, юқори даражада ўтказил-ганини қайд этди.

Мулоқот чоғида сайловларни ўткази-ш учун партияларни молиялаштириш борасида маҳаллий сайлов участкала-рида аёлларнинг ролини ҳамда улар-нинг малакасини ошириш мақсадида тренинглар ўтказиш бўйича ҳам фикр алмашилди.

Учрашув очик, самимий ва дўстона руҳда ўтди.

«Халқ сўзи».

ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ МУСТАҚАМЛАНИШИ ЛОЗИМ

БМТнинг инсон ривожланишига таъсир этадиган муаммолар ҳақидаги ҳужжатларида ҳар бир жамиятда хотин-қизлар эркаклардек имкониятларга эга бўлиши муҳим эканлиги алоҳида таъкидланади.

НУҚТАИ НАЗАР

Қайси жамиятда гендер тенглик маса-лаларига самарали ечим топиш бўлса, ўша жойда интеллектуал ривожланиш юқори бўлиши, инсонлар руҳий баркамол-лика эришиб, барча соҳада ютуқлар кўпайиши аниқ рақамлар билан кўрсатиб берилган таъкидотлар ҳам бор.

Шунинг учун гендер тенглик масала-си шунчаки ҳуқуқлар тенглиги ҳақида меъёрларни ёзиб қўйиш эмас, балки ав-вало, инсонни, жамиятни ривожлантириш-нинг муҳим асоси сифатида ёндашиш талаб этилмоқда. Агар шу томондан қарасак, хотин-қизлар жамият ҳаётида фаол қатнашиши эркаклар учун ҳам, халқ ва миллатимиз учун ҳам муҳим экани ойдинлашади.

Ҳар бир инсоннинг ўз оиласида кадр топиши, уни мустақамлаш ва сақлаб қолишга ҳаракат қилиши, фарзандлари тарбиясига масъулигини чуқур ҳис эти-ши оила институтига нисбатан муноса-батни тубдан ўзгартириши, ҳуқуқий асо-сларни мустақамлашни тақозо қилади.

Юқоридегилардан келиб чиққан ҳолда, Конституциямизда оила институтига ка-фолатини мустақамлаш, оиланинг бахти-юқлиги учун аёл ва эркак тенг масъул эканини белгилаш, шунингдек, сиёсат, иқти-содийет, ҳуқуқ, маданият, таълим, илм-фан, спорт муносабатларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятлари тен-глигини қайд этиш лозим, деб ўйлайман.

Гулруҳ АГЗАМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ҚИЙНОҚЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ

Сўнги йилларда мамлакатимизда яшаётган ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш ва тўлиқ ҳимоя қилиш масаласи энг устувор вазифа сифатида белгилиниб, "Инсон қадрини устувор бўлган жамият ва халқларвар давлат" гояси асосида янги Ўзбекистонни барпо этишнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асослари яратилди.

ТАКЛИФ

Аҳамиятли томони, инсон ҳуқуқларининг энг муҳим шарт бўлган шахснинг фуқаролигини тиклаш бўйича дадил қадамлар қўйилди. Кўп йиллар давомида юртимизда яшаб келаётган бўлса-да, фуқаролик ололмайдиган, бу юксак ма-

қомни узоқ вақт интиқиб кутган минг-миглаб шахсларга фуқаролик олиш им-конияти яратилди.

Аммо бугун даврнинг ўзи тезкор-қиди-рув, тергов ва жазонинг ижро этиш соҳа-сида қийноқларнинг олдини олиш тизи-мини тубдан такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Бойси, ушбу ҳолатлар фуқаро-ларда жиддий эътирозларни келтириб чи-

қаряпти, мамлакатимизнинг халқро ну-фузига салбий таъсир кўрсатапти.

Албатта, бу борада Конституциями-зининг 26-моддасида "...Ҳеч ким қийноққа солиниши, эъравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги таъзияга дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиб-бий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас", деб белгилаб қўйилган.

Лекин ушбу модданинг иккинчи қисмига "Ҳеч бир инсон қийноқларга ёки шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қим-матини камситувчи муомалага ёки жазо-га дучор этилмаслиги керак" деган нор-мани киритиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

Шунингдек, ҳар бир шахс ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда таъкидланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақли эканлигини мустақамлаб қўйиш керак. Қолаверса, ўзининг фуқаровий, ҳуқуқий, шартномавий мажбуриятларини бажара олмаслиги сабабли бирор киши озод-ликдан маҳрум этилиши мумкин эмасли-гини киритиш лозим. Бу орқали одам-ларнинг кўп йиллик орзуларини рўёбга чи-қади, ҳар бир фуқаро озод ва фаровон яшаш бахтига муяссар бўлади, мурод-мақсадига етади.

Абдулла РЎЗМЕТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

«Халқ сўзи».

ЎЗАРО ТАЖРИБА АЛМАШИШГА КЕЛИШИБ ОЛИНДИ

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ)нинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИХБ) делегациясининг мамлакатимизга амалий таърифий давом этмоқда. Таъриф дастурига асосан, делегация аъзолари мамлакатимиздаги бир қатор вазирлик ва идораларда бўлиши, сиёсий партиялар раҳбарлари билан учрашувлар ўтказишди. Шундай учрашувлардан бири кеча Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида бўлиб ўтди. Ўзбекистон адлия вазирини Русланбек Давлетов Оуэн Мерфи бошчилигидаги ЕХХТнинг ДИИХБ делегацияси аъзоларини қабул қилди.

УЧРАШУВ

Учрашув давомида хоржий меҳ-монларга Ўзбекистонда сайлов қонунчилигини халқро стандартлар билан уйғунлаштириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш масалаларига оид қонунчилик соҳасидаги янгиликлар ҳақида маълумот берилди. Ушбу йўналишдаги режалар ҳамда вазир-ликнинг демократия ва қонун устуворлигини таъминлаш бораси-даги ишлари ҳам тўхталиб ўтилди.

Ўз навбатида, О. Мерфи сўнги йилларда Ўзбекистонда эркин ва адолатли сайловларни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган сай-харакатлар ЕХХТ ДИИХБ томони-дан юксак баҳоланаётганини таъ-кидлади.

Учрашувда томонлар Ўзбекистон сайлов қонунчилигини янада та-комиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қафолатларни янада му-стақамлаш масалаларини муҳокама қилди.

Делегация аъзолари бўлажак сайловларни ўтказишнинг ҳуқуқий

асослари ва амалиётини такомил-лаштиришга қаратилган Ҳисоботда-ги тавсияларни баён этди. Ушбу тавсиялар нафақат сайловни таш-кил этишга маъсул бўлган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органла-ри, балки сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти ва бошқа ман-фаатдор ташкилотлар томонидан кўриб чиқиши учун мўлжалланган-лиги таъкидланди.

Мулоқотда миллий сайлов тизи-мини такомиллаштириш йўлида ҳам-корлик масалалари ҳам муҳокама қилиниб, бу борада ўзаро тажриба алмашиб, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш соҳасидаги мавжуд халқро нормалар ҳамда амали-ётлар билан танишиш алоҳида аҳамият касб этиши айтилди.

Учрашув якунида томонлар Ўзе-бекистондаги сайлов жараёнларини халқро стандартларга янада мос-лаштириш, ЕХХТ ДИИХБнинг тавси-яларини Ўзбекистон қонунчилигига имплементация қилиш, бу борада ўзаро тажриба алмашиб йўналиши-даги ҳамкорликни келгусида ҳам да-вом эттиришга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

ЎҚИТИШНИНГ ЮҚУВЧИГА ҲАМ БИЛИМ БЕРАДИ, ҲАМ ДАРОМАД КЕЛТИРАДИ

Давлатимиз раҳбари-нинг 2019 йил 1 фе-вралдаги "Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Рес-публикаси ўртасида кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди ва ўша йили июнда ушбу ҳужжатга қўшимчалар ҳам киритилиб, яна-да такомиллаштирилди. Янги бу билан Ўзбекистон Республикаси профессионал таълимдаги ўқитиш-нинг дуал тизимини ташкил этиш алоҳида белгилаб қўйилди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Президентимизнинг 2020 йил 6 но-ябрдаги "Ўзбекистоннинг янги та-раққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фар-мони, шунингдек, янги тахрирдagi

олиб бориладиган таълим шакли ҳисобланади.

Дуал таълим профессионал таъ-лим муассасасининг иш берувчи-лар (тижорат ва нотижорат корхона, ташкилотлар ёки давлат ҳамда ху-сусий секторлар) структуравий ҳам-корлигига асосланади. Дуал таълим-да ишлаб чиқаришда ортирилган назарий билим ва қўникма касбий фаолиятдаги билим билан уйғун-лаштирилади. Пировадига, олинган билим реал ҳаётий вазиятларда синналишига эришилади.

Дуал таълимда корхонадаги ишлаб чиқариш шароитлари билан таълим муассасалари ўқув жараёнлари ўзаро сеқланеди. Ҳуқуқлар меҳнат фаолияти иштирокчисига айланади. Иқтисодийнинг реал эҳтиёжлари ҳисобга олинган ҳолда ўрта бўйин кадрларини тайёрлаш такомиллаш-тирилади. Шу орқали таълим дастурларини меҳнат фаолияти билан уйғунлашган ҳолда амалга оши-риш, иш берувчилар талаблари ва уларда-ги технология янгила-нишлар асосида та-комиллаштириб бо-риш, битирувчиларни баҳолашда корхона-лар иштирокини яна-да кенгайтириш, тур-ли ёшдаги аҳоли қат-ламини тегишли касб

бўйича квалификацияларни ўза-лаштиришга бўлган эҳтиёжларини қондириш имкони яратилади.

Таълимнинг ушбу шакли қайси соҳаларда самарадор?

Дуал таълим ҳозирги вақтда, асо-сан, муҳандислик, иқтисодийёт ва иж-тимоий таъминот каби соҳаларда қўлланилиб келинмоқда. Шунингдек, машинасозлик, муҳандислик, қишлоқ ҳўжалиги, қурилиш, кўчмас мулк са-ноати, туризм менежменти ва икти-

мой менежменти ҳам қамраб ола-ди. Мазкур таълим санъат ҳамда гу-манитар фанлар каби йўналишлар-да қўлланилмайди.

Ўқитишнинг янги шакли мувофиқ-лаштирувчи кенгаш тузиш, норма-тив-ҳуқуқий асосларни яратиш, ма-лакали ҳодимларга бўлган эҳтиёжни башорат этиш, касбий раҳбарлик қилиш, таълим дастурларини янги-лаш, ишлаб чиқариш амалиётини ташкиллаштириш, профессионал компетенцияни баҳолаш каби бос-қичларда амалга ошади.

Дуал таълим дастури ўқув муас-саса томонидан корхона билан ке-лишган ҳолда ишлаб чиқилади. Ўқувчи-талабаларнинг дуал тизими асосида ўқитилишини ташкил этиш ҳамда ўтказиш учун жавабгарликни таълим муассасаси ва корхоналар ўз зиммасига олади.

Таъкидлаш жоизки, "Профессио-нал таълим тизимини янги босқичга олиб чиқиш юзасидан ислохотларни жадаллаштириш ва касбий қўникма-ларни ривожлантириш чора-тадбир-лари тўғрисида"ги Президент қаро-ри лойиҳасига кўра, профессионал таълим муассасаларига бўйсунувчи ва вазирлик ёки идоралар билан келишган ҳолда дуал таълим шак-лини жорий қилишга рўхсат этил-ган. Ўқитишнинг янги тизимида ҳам давлат гранти ажратилиши кўзда ту-тилган.

Дуал таълим шаклида таълим олаётган ўқувчиларга тегишли иш берувчилар томонидан тўланадиган иш ҳақи даромад солиғи ҳамда яро-на икхимоий солиқ тўловларидан озод этилиб, ташкилотлардаги меҳ-нат фаолияти учун иш стажини ҳисоб-ланади. Профессонал таълим му-ассасаларига дуал таълим шаклини жорий қилишда таълимнинг амалий қисми ўтиласлиги натижасида те-жаб қолинган давлат гранти ва тўлов-контракт маблағлари ҳисоби-дан иш берувчиларга субсидия тўлаш ҳуқуқи берилди.

Дуал таълим шаклини жорий қил-ган энг яхши 100 та профессионал таълим муассасасига Давлат бюд-жети маблағлари ҳисобидан ҳар



Йили 50 миллион сўмдан маблаг ажратилади. Бунда профессионал таълим муассасасига ушбу маблагларни ҳодимларнинг моддий-техника база-сини мустақамлаш учун ишлашга рўхсат этилади. Дуал таълимда катнашаётган иш берувчиларга Давлат бюджети маблағлари ҳисоб-идан ўқувчиларга бириктирилган устозларнинг малакасини ошириш ҳаражатларини қоплаш мақсадида ҳар бир устоз учун бир йилда база-вий ҳисоблаш миқдорининг тўрт ба-равари даражасида субсидия аж-ратилади.

Дуал таълим шаклида дуал таълим шаклини амалда қўллаш ор-қали қатор ижобий натижаларга эришиш мумкин. Биринчидан, таълимнинг профессионал таълим юза-сига қилишга рўхсат этил-ган. Ўқитишнинг янги тизимида ҳам давлат гранти ажратилиши кўзда ту-тилган.

Дуал таълим шаклида таълим олаётган ўқувчиларга тегишли иш берувчилар томонидан тўланадиган иш ҳақи даромад солиғи ҳамда яро-на икхимоий солиқ тўловларидан озод этилиб, ташкилотлардаги меҳ-нат фаолияти учун иш стажини ҳисоб-ланади. Профессонал таълим му-ассасаларига дуал таълим шаклини жорий қилишда таълимнинг амалий қисми ўтиласлиги натижасида те-жаб қолинган давлат гранти ва тўлов-контракт маблағлари ҳисоби-дан иш берувчиларга субсидия тўлаш ҳуқуқи берилди.

Дуал таълим шаклини жорий қил-ган энг яхши 100 та профессионал таълим муассасасига Давлат бюд-жети маблағлари ҳисобидан ҳар

сифатини мустақил баҳолаш тизи-мини жорий этиш имконияти ҳам яратилиб, юқори малакали мута-хассисларни сифатли тайёрлашга эришилади.

Профессонал таълим муассаса-лари ва корхоналар ўртасида сифат жиҳатидан янги ҳамкорлик алоқала-ри ўрнатилиши юзага келади. Ўқитиш имкони қадар ишлаб чиқариш эҳти-ёжларига яқинлашади. Битирувчилар-нинг бандлиги кафолатланиб, таъ-лим сифатини оширишга эришила-ди ва таълим муассасаси рейтингни ошади.

Албатта, Ўзбекистоннинг янги та-раққиёт даврида таълим-тарбия ва дуал таълим шакли жорий этилиши-да айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Ўқув йили давомида баъзи корхона-лар касбий амалиётлар ўттилишини бир меъёрдан таъминлай олиши, дуал ўқитиш технологиясини жорий этиш бўйича тажриба ҳуқуқий ҳамда икти-содий томонлама қўллаб-қувватла-ниши зарурдир.

Бундан ташқари, ўқитишнинг дуал таълим шаклини жорий этган проф-фессонал таълим муассасалари жорий йилги 11-сифт битирувчилари ва янада ижтимоий ҳимоя давлат ре-естрида рўйхатга олинган ўқувчилар-ни давлат гранти асосида ўқитиш ҳамда қўшимча равишда табақа-лаштирилган стипендия тўлаш тизимини жорий этиши мақсадга мувофиқдир.

Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ҳудуд-ларнинг иқлим шароитларидан кели-б чиқиб экан турларнинг масвум-ийлиги, етиштирилган агротехника-сига кўра таълим муассасасининг ўқув жараёнини режалаштириши, ҳудуд-ларда ўқитилаётган касблар кеси-мида минтақадаги баҳолаш марказ-лари фаолиятини йўлга қўйиш, ҳаёт давомида таълим олиш принципла-ри асосида турли ёшдаги фуқаро-ларнинг квалификацияларга бўлган эҳтиёжни қоплаш мониторинг юрити-лиши, шунингдек, таълим муассаса-сидан бириктирилган кураторларга дуал таълим иштирокчиларнинг меҳ-нат натижадорлигига қараб устозлар белгилаш ҳам фойдадан холи эмас.

Умуман, ўқитишнинг янги тизими ҳаётга самарали жорий этилиши профессионал таълимни янги босқичга олиб чиқиш, соҳадаги ислохотларни жадаллаштириш ва ёшларда касбий қўникмаларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Абдугаббор АРАНЖИЕВ, ТДАУ ҳузурдаги Бўша агротехника техникуми директори.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буортма Г — 648. 30 259 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда. Газетанинг ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълолар 71-232-11-15. МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукров. Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев. «Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 4